



ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

Наврўз байрами шу муборак заминда ўзига хос маданиятни бунёд этган зукко аждодларимизнинг яратувчилик, янгиланиш билан боғлиқ ҳаётбахш ғояларини ўзида мужассамлаштирган бетақдор бадий қадриятимиздир. Асрлар оша сайқал топган бу фусункор шодиёна ҳамиша эзгуликни улуглаб, халқимиз дилига ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик, мўл ҳосил ва қут-барака тилаш ғоясини жо этиб келган.



ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БАЙРАМ



Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий ўзликини англаш, бебаҳо маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш жараёнида Наврўз байрамини янгича маъно-мазмун билан бойитишга, унинг замиридаги эзгу аъёнларни халқимиз, айниқса, ёш авлодга тўғри етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиш, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуглаш, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳангдир.

Мамлакатимиз ҳудудидаги қадимги қоятош суратларида акс эттирилган аждодларимизнинг деҳқончилик маданияти аъёнларига оид лавҳалар, «Авесто» яшларига ўз ифодасини топган мифологик тасаввурлар, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр Наршахий, Маҳмуд Қошғарий, Носируддин Рабғўзий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улғун мутафаккирларимизнинг асарларида келтирилган қимматли маълумотлар юртимизда Наврўз байрами бундан тўрт-тўрт ярим минг йил муқаддам вужудга келиб, халқимизнинг умидбахш шодиёнаси сифатида асрлар бўйи нишонланиб келинаётганини кўрсатади.

Юртимизнинг табиий иқлим шароити – дарёлар сувининг мўл бўлиши, қуёш ҳароратининг ҳосил етилиши учун етарли даражада экани, тупроқнинг унумдорлиги она диёримизда қадимдан сугорма деҳқончилик шаклланиши ва тараққий этиши учун қулай имкониятларни юзага келтирган. Серҳосил водийларда келиб чиққан деҳқончилик маданияти аъёнлари экин экиш, уни парваришlash ва ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш муддатларини аниқ белгилашга асосланган. Бу йил фасллари алмашинуви ҳамда ой ва қуёш ҳаракатини муттасил кузатиши, муайян вақт ҳисоби амалларини қўллашнинг тақозо этар эди. Бинобарин, аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор аъёнлари, осмон жисмлари ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари Наврўз байрамининг келиб чиқишига асос бўлган.

Абу Райҳон Беруний Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, «шу куни худо фалаклар ҳаракатисиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёритқичлар (сайрдан) тўхтаган-

дан кейин уларни сайр эттириб юборган. Қуёшни яратган, нихот у туйфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлақлари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган» ини қайд этган. Бу ушбу айёмнинг келиб чиқиши она сайёрамизга ҳаёт бахш этиб турган қуёшни улуглаш ва само жисмларини кузатиш аъёнлари билан бевосита алоқадорлигини кўрсатади.

Қадимда аждодларимизнинг турмуш тарзида серҳосиллик ва қут-барака ғоясини мужассамлаштирган мавсумий маросимлар ҳамда деҳқончилик маданияти аъёнлари билан алоқадор рамзий расм-русумларни ўтказиш ўзига хос аъёна тусини олган. Бундай маросимлар орасида қуёшнинг ҳамал буржиға ўтиши ҳамда янги меҳнат мавсумининг бошланиши муносабати билан ўтказилган баҳорий тенгқунлик – йилбошини қаршилаш алоҳида ўрин тутган. Қадимий деҳқончилик маданияти асосини ташкил қилувчи яратувчилик, ҳосилдорликни улуглаш билан боғлиқ ана шундай баҳорий маросимлар асосида Наврўз байрами келиб чиққан.

Наврўз байрами бойчечак, лола, қизғалдоқ билан алоқадор «гул сайллари», ариқ-зовурлар тозаланган, янги боғлар барпо этиладиган «ҳашар», йилбоши арафасида қилинадиган «қозон тўлди» удумлари, илк кўкламда далага биринчи марта қўш қириб, дон экишга оид «шоҳ мойлар» маросими, етти хил дондан «наврўз гўжа» пишириш ҳамда етти хил кўклатдан кўк сомса тайёрлаш одати, аргимчоқ учуш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учуриш, қўқор, хўроз, тую уриштириш аъёнларини ҳам ўз ичига олган. Бу удум ва аъёнларнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, улар замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари мужассам.

Шу боис бу қадимий байрам элу юртни бирлаштиради, одамларни бунёдкорликка ундайди, дилларни меҳр-мурувват нури ила ёритади. Наврўз дунёдаги энг қадимги сугорма деҳқончилик маданияти асосида юзага келган учун ҳамиша ризқ-рўзимиз манбаи табарруқ заминини севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳра олишга, ўрикнинг оппоқ гулларига қоқиғулларнинг гунчаларидаги бетақдор гўзалликни дилга жо этишга ўргатади.

(Давоми 3-бетда)

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

«Соғлом авлод учун» ордени
таъсис этилганига 21 йил тўлди

Президентимиз Ислон Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги Фармониға мувофиқ таъсис этилган мустақил Ватанимизнинг илк орденига «Соғлом авлод учун» номи берилгани истиқлолнинг дастлабки кунларидан олдимизга қўйган барча эзгу интилишларимизнинг мақсад-моҳияти жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлоднинг тарбиялашга қаратилганининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган сўзлари халқимиз учун ўзига хос даъватга айланганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва янгиланишлар замирида аввало эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимиз манфаати мужассам.

Мамлакатимизда тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларининг бир-бирига уйғун ривожлантирилаётгани уйғун-қизларни ҳар жиҳатдан соғлом тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар рейтингига кўра, Ўзбекистон болалар саломатлиги муҳофазаланган етакчи ўн мамлакатдан биридир. Фарзандларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Бундай юқори натижалар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт фарзанд тарбиясининг муҳим мезонларидан бирига айланганининг самарасидир. Уч босқичли узлуксиз тизим – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари ёшларнинг барча қатламлари оммавий спортга жалб қилишнинг энг самарали усули бўлиб, эндиликда бу тизим дунёнинг қатор мамлакатларида ноёб тажриба сифатида ўрганилмоқда.

Юртимиздаги 65 мингдан зиёд спорт секцияларида икки миллионга яқин ўғил-қиз спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шугулланмоқда. Спорт билан шугулланган болаларда касалланиш даражаси сезиларли даражада пасайгани, сўнгги ўн йилда мунтазам соғлом болалар улushi 11,2 фоизга ошгани ана шу ҳаракатнинг амалий натижасидир.

«Соғлом авлод учун» ордени соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш ишига улкан ҳисса қўшаётган фидойи юрдошларимиз меҳнатини муносоиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ордени билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит мусофоллигига эришиш, Ватани равақли учун хизмат қиладиган жисмонан, маънан ва ахлоқан соғлом авлоднинг камол топтириш йўлида фидокорона хизмат қиладиган инсонлар муқофотланади. Шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мазкур муқофот билан тақдирланиши мумкин.

Орденининг тасвирида ўзига хос рамзий маъно-мазмун мужассам. Тинч ва осойишта Ватанимизни чаргон қилиб турган қуёшнинг заррин нурлари остида фарзандини бағрига босган мўътабар она сиймоси соғлом болани тарбиялаш халқимизнинг эзгу амали эканига ишоратидир. Боланинг юксакка – қуёшга интилаётгани келажакда буюк ишларга қодир эканидан далolat, муносиҳатнинг зурриётига қараган меҳр



тўла нигоҳида соғлом фарзанднинг униб-ўсишига мустаҳкам ишончи барқ урган.

Орден бириктирилган дастаннинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида уйғониш тимсоли бўлган гуллаб турган ўрик новдаси тасвири туширилган. У яшариш ва янгиланиш рамзи бўлган яшил ранг фонидида янада теран мазмун ифода этади.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида юксак натижаларга эришаётган қўллаб-қўрғовчи соғлом авлод тарбиячиларига эҳтиром тимсоли бўлган ушбу муқофотга сазовор бўлди.

Хоразмлик Феруза Аллаберганова ўттиз йилдан буюн Қўшқўпир туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради. Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни воғда етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 23 августдаги Фармониға биноан II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

– Мустақиллик йилларида соғлом ва баркамол авлод тарбияси умуммиллат ишига айланди, – дейди Ф.Аллаберганова. – Жорий йил Юрбошимиз ташаббуси билан Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ҳар томонлама етук авлоднинг тарбиялаш масаласини бундан-да юқори босқичга олиб чиқарди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятлари аввало жисмоний ва маънавий соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, мамлакат тақдирини келажакдаги умумий масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшларни тарбиялашга қаратилгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ҳар бир халқнинг қудрати, буюклиги қўп жиҳатдан миллатнинг соғломлиги, маънавиятининг юксаклиги, навқирон авлоднинг қандай тарбия топганига боғлиқ. Мамлакатимиз ёшлари ҳар соҳада ҳеч қимдан кам эмас ва кам бўлмайдиган. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, салоҳиятини юзага чиқариш, соғлом тарбиялаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш масаласига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда маҳаллий давлат бошқаруви идоралари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Навоий вилоятининг Кармана туманида ички ишлар идораларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари ички ишлар бошқармалари ходимлари ва мутахассислар иштирок этди.

• Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусикали драма театрида бўлиб ўтган «Баҳор тароналари» кўрик-танловида тўрт юздан зиёд ҳаваскор ижрочилар иштирок этди.

• Гулистон шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Л.Жўраевнинг ўтган икки ярим йил мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

ЖАҲОНДА

• Айни пайтда Европада бўш уйлар сони 11 миллиондан ортиқлиги аниқланди. Бўш уйлар сони кўплиги жиҳатидан Испания биринчи ўринда (3,4 миллион) турса, Италия иккинчи (2-2,7 миллион), Франция эса учинчи (2,4 миллион) ва Германия тўртинчи (1,8 миллион) ўринни ишғол этган. Ҳали одамлар кўчиб крмаган уйлар Португалия ва Буюк Британияда ҳам анчагина – 735 ва 700 мингдан зиёддир. Шу кунларда Европада умумий ҳисобда 4,1 миллион киши уйсиз бўлиб, ижарамаижара кўчиб яшайди.

• Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi бошланган пайтда Германияга кўчиб ўтган минглаб испан муҳожирлари бугунги кунда маҳаллий диаспоранинг салмоқли қисмини ташкил этмоқда. 2010 йил январдан 2013 йил октябргача Германияда яшаётган испан муҳожирлари сони 16 229 кишига, яъни 16 фоизга кўпайган. Айни пайтда уларнинг умумий сони 120 минг 231 кишини ташкил қилмоқда.

• Хитойлик аксарият йўловчилар уйда нонушта қилишга улгурмай, йўл-йўлакай метрода енгил тамадди қилишга одатланган. Метро маъмурияти улар хавфсизлигини ўйлаб, метро станциялари, зиналари ва вагонларда тамадди қилишни тақиқловчи чора қўллади. Мазкур тақиқлов 10 мартдан кучга киради. Кимки бу тартибни бузса, 50 дан 500 юангача жарима тўлайди.

СУД ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг самараси ҳамда бу борадаги ишларни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси ва бошқа манфатдор идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори судлар фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдан кўзланган мақсад фуқаролик ишларини судларда кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, суд хабарномаларини ва ҳужжатларини тарафларга етказиш механизмларини такомиллаштиришдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Холмўмин Ёдгоров. — Бу, ўз навбатида, суд фаолияти ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириб, фуқаролик судловининг сифатини оширади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Фуқаролик судловини такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозир у амалиётга татбиқ этилиб, «E-SUD» электрон судлов миллий ахборот тизими ишлаб чиқилмоқда.

Мақсуд ахборот тизими судларда электрон ҳужжат алмашинуви жорий этиш, тарафларга суд хабарномаларини ва ҳужжатларини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали жўнатиш, суд ҳужжатларини ишлаб чиқилган шаблонлар асосида тайёрлаш, суд мажлисларининг ягона тақвими жорий этиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ва суд ҳисоботларини тузишни автоматлаштириш каби вазифаларни ўз ичига олади. Келажакда суд жараёнларини аудио ва видео воситалари орқали ёзиб олиш, уларда масофадан иштирок этиш каби қўшимча тизимлар ишлаб чиқиш ҳам режалаштирилган.

2013 йил ноябрь ойидан бошлаб «E-SUD» ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилмоқда. Бугунги кунга келиб тўрт мингдан ортиқ суд бўйруғи бериш ҳақидаги ариза мазкур тизим орқали судга келиб тушди. Улар судья ва суд ходимлари томонидан ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилди.

Давра суҳбатида «E-SUD» ахборот тизимини синовдан ўтказиш натижалари, бу борада тўпланган тажриба ва уни кенг қўламда жорий этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Мутахассисларнинг фикрича, ахборот тизимини босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этиш харажатларнинг кескин камайишига олиб келади. Шу боис тизимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар ечими долзарб аҳамиятга молик. Жумладан, судьялар, суд ходимлари ва фуқароларнинг ахборот тизимидан фойдаланишга оид малакасини ошириш, интернет тармоғида шахсни тасдиқлаш механизмларини такомиллаштириш, мобил алоқа воситалари ҳамда электрон манзилларга суд хабарномаларини жўнатишни тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

Шунингдек, тадбирда фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриладиган даъво талабларини тизимлаштириш кераклиги ҳам муҳокама қилинди. Боиси, даъво талабларини тизимлаштириш даъво аризаларда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар рўйхатини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Барча маълумотлар тўлиқ кўрсатилган даъво аризалари эса судда ушбу аризаларни кўриб чиқишни оsonлаштиради. Бундан ташқари, суд амалиётини умумлаштиришнинг такомиллаштириш имконияти ҳам яратилади.

Лойиҳа мутахассислари томонидан тайёрланган «Фуқаролик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди ва бу борада ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда янги нашрдан чиққан «Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти», «Фуқаролик ишлари бўйича суд ажрими намуналари» қўлланмаларининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири**

Маълумки, 2013 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўзида инсонпарварлик, бағрикенглик ва кечиримлилиқ каби инсоний фазилатларни мужассамлаштирган ушбу қарор ижроси бўйича бугунги кунда жойларда изчил ишлар олиб борилмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Жойларда ҳудудий комиссиялар тузилиб мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказилган ҳолда унда асосан аҳолининг эътиборга, ҳимояга муҳтож қатлами бўлган аёллар, вояга етмаганлар, кекса ёшлар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар озод қилинаётганининг яна бир катта имконият эканлиги тушунтирилмоқда. Шу билан бирга жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, уларни меҳнатда жалб этиш бора-бора кенг қўламда жорий этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Мутахассисларнинг фикрича, ахборот тизимини босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этиш харажатларнинг кескин камайишига олиб келади. Шу боис тизимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар ечими долзарб аҳамиятга молик. Жумладан, судьялар, суд ходимлари ва фуқароларнинг ахборот тизимидан фойдаланишга оид малакасини ошириш, интернет тармоғида шахсни тасдиқлаш механизмларини такомиллаштириш, мобил алоқа воситалари ҳамда электрон манзилларга суд хабарномаларини жўнатишни тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

Шунингдек, тадбирда фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриладиган даъво талабларини тизимлаштириш кераклиги ҳам муҳокама қилинди. Боиси, даъво талабларини тизимлаштириш даъво аризаларда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар рўйхатини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Барча маълумотлар тўлиқ кўрсатилган даъво аризалари эса судда ушбу аризаларни кўриб чиқишни оsonлаштиради. Бундан ташқари, суд амалиётини умумлаштиришнинг такомиллаштириш имконияти ҳам яратилади.

Лойиҳа мутахассислари томонидан тайёрланган «Фуқаролик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди ва бу борада ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда янги нашрдан чиққан «Оила ва никоҳ муносабатларидан келиб чиқувчи низолар бўйича суд амалиёти», «Фуқаролик ишлари бўйича суд ажрими намуналари» қўлланмаларининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири**

Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланиб қолиб, жиноят содир этган ёшларнинг жамиятга қайтариш — аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади.

Шундан келиб чиққан ҳолда озод этилганларнинг фуқаролик паспортларини тиклаш, рўйхатдан ўтказиш, расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилиб, ишга жойлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Мутахассислиги бўлмаганларни касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритилмоқда. Бундан ташқари «Амнистия тўғрисида»ги қарорни қўллаш прокуратураси, шаҳар ИИББ, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси каби бир қатор мутасадди идоралар томонидан барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мазкур қарорда жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жазодан озод этилишига эътибор қаратилгани билиб-билмай хатога йўл қўйган ёшларнинг ҳаётига қайтиш, тўғри йўлга тушиб олишларида муҳим омил бўлмоқда. Юртбошимиз айтганларидек, «...ёшлар ўртасидаги жиноятчилик — бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир.

ни содир қилганликда айбланган. Учтепа туман судида ушбу жиноят иши кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 1-банди «б» кичик бандини қўллаб, мазкур қарорнинг 6-моддасига асосан фуқаро С. Илҳомовнинг айблилиқ масаласини ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилган. Шунингдек, тарафларга моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳар бир амнистия акти асосида ҳаётда билиб-билмай жиноятга қўл урган, адашган одамлар озодликка чиқади. Оиласи, фарзандлари ва яқинлари даврасида тинч ҳаёт кечириш имконига эга бўлади. Ахир эркинлик, бағри бутунликдан ҳам ортиқ бахт борми бу дунёда. Фақат бунинг англаб етмоғимиз, ортиқ бу йўлга кирмай ғанимат дунёда ўзимиздан яхши бир ном қолдириб кетишга интилишимиз лозим. Бунга аввало ўзимиз амал қилмоғимиз ва бошқаларга ҳам етказмоғимиз даркор. Ёшларимизни мана шу руҳда тарбиялаш эса бурчимиздир.

**Ҳаётбек АНОРТОЕВ,
Тошкент шаҳар
прокуратураси бўлим
бошлиғи**



Янги технологияларни қўллаш — давр талаби

Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Халқаро ҳамкорлик марказида Британия Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда тил ўрганиш кўникмаларини баҳолаш соҳаси мутахассисларига мўлжалланган «Замонавий баҳолаш методлари бўйича интенсив дастур» доирасида инглиз тили ўқитувчилари учун семинар-тренинг бўлиб ўтмоқда.

Тренингда пойтахтимиз ва вилоятлардаги инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлайдиган етакчи университет ва институт, ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш лойиҳалари юзасидан 20 нафар эксперт иштирок этмоқда. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Халқаро Вестминстер университети, Бухоро давлат университети, Нукус давлат педагогика институтини каби олийгоҳ ўқитувчилари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, мазкур дастурнинг мақсади баҳолашнинг асосий тамойилларини ўрганиш ва улар бўйича фикр алмашиш, мунозаралар юритиш, баҳолашнинг объектив ва субъектив йўллари билан таништириш ҳамда катнашчиларда чет тилида сўзлашув нутқи, ёзиш, эшитиш ва ўқиш қобилиятларини баҳолашнинг замонавий кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Маълумот ўрнида келтириш мумкинки, таълим соҳасидаги Ўзбекистон — Британия ҳамкорлиги 1996 йили Британия Кенгашининг Тошкентдаги бўлими очилиши ва икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланган вақтдан бошланган бўлиб, 17 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимиздаги Британия Кенгаши лойиҳалари таълим ва касбий ривожланиш имкониятларини яратиш ҳамда инглиз тилидаги кўникмаларни такомиллаштириш соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

— Ушбу тренинг ўз ичига икки омилни қамраб олгани билан аҳамиятлидир, — дейди ЎзДЖТУ қошида жорий ўқув йилида ташкил этилган «Педагогик инновациялар маркази» директори Аббос Ирискулов.

лов. — Биринчидан, чет тиллар таълимнинг самардорлигини сифат жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчидан, талабалар ва чет тилини ўрганувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш имкониятига эга бўламиз. Ишончим комилки, чет тили ўқитувчилари бу орқали ўқув дастури ва ўқув-услубий қўлланмалар яратиш бўйича кўпгина янги ва зарурий билимларга эга бўладилар.

Дастур сўнггида тренерлар босқичли семинарлари ўтказилиши режалаштирилган. Улар ўрганган илғор тажрибаларини таълим жараёнига татбиқ этишда ҳамда мамлакатимиздаги ўқув юртлари ва таълим муассасалари ўқитувчиларига тавсиялар бериш орқали қўмақлашадилар.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси**

**8 март — Халқаро
хотин-қизлар куни**

ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗЛАРИ

Тошкент давлат аграр университетида «Обод юртнинг бахтли қизлари» мавзусида адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда фаол аёллар, маънавият тарғиботчилари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба-ёшлари, «Ороста қизлар» тўғрақлари аъзолари иштирок этди.

Унда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар, жумладан, қизларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши, замонавий касб-хунарларни эгаллаши ва ўз салоҳиятини рўйбга қиқаришига давлатимиз сийёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сийёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборни янада қучайтиришга доир ишларни янги босқичга олиб чиқишда дастуруламал бўлмоқда.

1999 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани мамлакатимиз ҳаётида улкан ижтимоий воқеа бўлди. Халқимизнинг ардоқли шоираси номи билан юритилувчи ушбу мукофот адабиёт, маданият, санъат, таълим, фан йўналишларида изланаётган қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фаолиятини халқимизга кенг тарғиб этиш, янгидан-янги изланишлар сари қорлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2014 йили танловнинг қўйи босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 120 минг нафардан ортиқ қиз иштирок этгани ушбу мукофот нуфузи тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Зулфияном қизлари сафига 2013 йилда қўшилган Нафосат Жўрабекова 1996 йили Бухоро вилоятида туғилган. Қорақўл туманидаги 52-умумтаълим мактабини тамомлаб, ҳозир Бухоро давлат университети қошидаги академик лицейда тахсил олмоқда. Нафосат стол теннисига қизиқади. Фортепьянода жаҳон ва ўзбек бастакорларининг асарларини маромига етказиб ижро этади. Бу неча хорижий тилларни пухта биладиган қиз атоқли шоиранинг бир қатор шеърлари ҳамда ўзбек халқ эртакларини инглиз тилига таржима қилган.

Баҳор ва гўзаллик кўйичиси бўлган Зулфия ижодида шу табаррук заминга, унинг самимий ва меҳридор одамларига бўлган чексиз эҳтиром аққол сезилиб туради, — дейди ЎЗА муҳбирига Н.Жўрабекова. — Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг ардоқли шоираси номидаги мукофотнинг таъсис этилгани, бугунги кунда салкам икки юз нафар қиз унга муносиб топилгани ёш авлод истиқболи йўлидаги чексиз эътиборнинг амалдаги ёрқин намунасидир.

Адабий-маърифий тадбирда ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Тинч ва осойишта ҳаётимиз, истиқлолимиз, жонажон Ватанимизни, муҳис аёлларни улуғловчи куй-қўшиқлар, шеърлар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назokat УСМОНОВА

Танловлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Тошкент Давлат юридик университети қошидаги академик лицейда «Қамолот» ЁИХ Сергели туман Кенгаши ҳамда Истеъмоилчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси туман бўлими ҳамкорлигида «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу каби тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга қаратилган.

Тадбирда тумандаги касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей ўқувчиларидан иборат жамоалар ўзларининг соҳадаги билим ва кўникмаларини кўрсатган ҳолда фаол иштирок этди. Танлов шартларига кўра ҳайъат аъзолари Сергели енгил саноат ва сервис коллежи жамоасини фахрли 1-ўринга муносиб деб топди. 2-ва 3-ўринларни эса Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ўқувчилари қўлга киритди.

Кўрик-танлов сўнггида қўлбалаб ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ

(Давоми. Боши
1-бетда)

Халқимиз бадиий-эстетик тафаккурининг ноёб жавоҳирларидан бири бўлган Наврўз замирида аждодларимизнинг

мифологик тасаввурларидан тортиб бугунги замондошларимиз қарашларигача бўлган маънавий тушунчалар мужассам. Бу байрам тарихий эврилишлар давомида маданий тараққиётнинг ҳар бир ютуғидан кучкуват олиб ривожланди.

Истиқлол эпкинлари мамлакатимизда маънавий-руҳий қадриятларни тиклаш ҳамда аждодларимизнинг эзгу аънаналарини кенг оммалаштиришга аста-секин йўл очди. Юртимиз раҳбари Ислон Каримовнинг қатъияти ва жасорати туфайли ҳали мустабид тузум парчаланмаган бир пайтда — 1990 йил 3 майда «Наврўз халқ байрамини ўтказиш ақуналари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу тарихий ҳужжат асрлар давомида халқимизни эзгу манзиллар сари қорлаб келган бу бе-назир аънамага қайтадан ҳаёт бахш этди, унинг кенг қўламада байрам қилиниши, барча ўзларининг янгидан тикланиши ва ўзал шодиёна сифатида нишонланиши учун кенг йўл очиб берди.

Ушбу фармонга биноан мамлакатимизда Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ҳамда унинг таркибидagi бадиий-эстетик қадриятлар, урф-одатлар, эзгу ғояларни ўзида мужассамлаштирган баҳорий одатлар, кўкларнинг ҳаётбахш қудратини тараннум этувчи фольклор асарлари, халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандлик аънаналарининг тикланиши билан боғлиқ изчил жараён бошланди.

Президентимизнинг асрий қадриятларни асраш ва ривожлантириш йўлидаги мислсиз жасорати туфайли деярли унутилиш арафасига келиб қолган кўплаб аънава ва маросимларимиз қатори Наврўз ҳам чин маънода эъзоз топди. Ўтган йиллар давомида халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БАЙРАМ



ва қизиқчиларнинг томошалари, маҳалла-қўй ободлиги, оилалар фаровонлиги, муҳтож кишиларга хайр-саховат кўрсатиш билан боғлиқ удумларнинг янгича талқинлари бу байрамга янада ўзгача фойз бағишламоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда Наврўзнинг кенг нишонланиши ҳамда уни халқимиз маданий меросининг нодир дурдоналаридан бири сифатида изчил тараққий эттириш учун қонуний асослар яратилган. Наврўз нишонланадиган 21 март санаси юртимизда дам олиш кунини деб эълон қилинган.

Наврўзни ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитиб бориш борасидаги салмоқли ишлар самарасида бу байрам халқимиз фаровонлиги, юртимиз оқилолиги ва тараққиётимизнинг ўзига хос таъминотида намоёйиш этадиган муҳташам танта-

налардан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2010 йил 23 февралда қабул қилинган қарорига биноан 21 март бутун дунёда Халқаро Наврўз кунини деб эълон қилинди. Наврўз байрами ЮНЕСКО томонидан жаҳон халқлари номоддий маданий мероси дурдоналаридан бири сифатида эътироф этилди. Бу халқимиз маънавиятининг гултожи саналмиш Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига нақадар муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Наврўзни номоддий маданий мерос объектларидан бири сифатида муҳофаза қилиш ва ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган 2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурига мувофиқ Наврўз байрамини илмий ўрганиш, муҳофаза қилиш ва тарғиб этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилаётир.

Президентимиз Ислон Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келган, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топишнинг яна бир тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Наврўз байрами ҳар биримизнинг қалбимизга меҳр-оқибат ва қут-барақа ғоясини сингдиради, юртдошларимизни Ватан тараққиёти йўлидаги хайрли ишларни янада кўпроқ бажаришга ундайди, ҳар томонлама етуқ, иқтидорли ва билимли ёшларимиз дилидаги эзгу умидларга қанот бахш этади.

Маматкул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор
(ЎЗА)

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Назм

БАҲОР НАШИДАСИ

Баҳорни билмаган элларни кўрдим,
Бир чечак кулмаган ерларни кўрдим.
Ўзингни соғиниб келади Наврўз,
Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.

Чучмома чайқалиб чалар кўнғирок,
Ҳаёт ҳидин сочар уйғонган тупроқ,
Илдиз сувратини чизади қақмоқ,
Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.

Меҳмонни чорлайди сумалақларинг,
Қизларинг боғлайди жамалақларин.
Саодатга кўприк камалақларинг,
Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.

Эй, кафти қадоғу, кўнгли юмшоқ эл,
Қуёшда қорайган, юраги оқ эл,
Дуога қўл очган, тилаги оқ эл,
Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.

Муқаддас еринг бор, соф осмон бор,
Суюнган тоғинг бор, дилда иймон бор.
Улуғ боғистонга буюк боғбон бор,
Кафтингга кўз сурай, деҳқоним, юртим,
Ўзингдан ўргулай, боғбоним, юртим.

КЎКЛАМОЙИМ

Кўкламойим сеп ёйди,
Табиатга зеб ёйди.
Ўйнаб-қулинг, деб ёйди
Баҳмал дастурхон бугун.
Яхшилар меҳмон бугун.

Қикир-қикир жилғалар,
Қир-адирдан сирғалар,
Ҳулво тақиб сирғалар,
Булбул ғазалхон бугун.
Кўнғил фаровон бугун.

Бир ажойиб қувонч бу,
Бир ғаройиб ишонч бу,
Яратиш завқи эзгу
Ҳаммамиз деҳқон бугун,
Барчамиз боғбон бугун.

Кеча-кундуз тенг бўлди,
Олам бағри кенг бўлди.
Бир ёқаон енг бўлди
Дўсту қадрдон бугун,
Ўйнаб беармон бугун.

Қалдирғочим, хуш кўрдик,
Соғинганда туш кўрдик.
Самода бахтқуш кўрдик,
Турналар қарвон бугун,
Қуёшжон сарбон бугун.

Кўкламойим, бўйингдан,
Айланойин тўйингдан,
Оқ гул сочиб қўйингдан,
Олам гулистон бугун,
Олам гулистон бугун!

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР!

Салом баҳор, муқаррам фаслим,
Гул-чечаклар тақиб келдингми.
Кўкламойим, кўркам баҳорни
Диёримга бошлаб келдингми.

Ҳа, юртимизга фасли навбаҳор қутлуг қадамлари билан кириб келди. Ҳамма нарса эзгуликка қорлайди деганларидек, бу йилги қиш фаслининг қаттиқ аёзлари, серёғинлиги мўл-қўл ҳосил етиштирилишига далолатдир. Баҳор, яратиш ва яшнатиш фасли.

Табиат уйғониши билан инсонлар ҳам ҳаракатга тушади. Дала босларда иш қизийди. Новдалар бошини эгиб, шаббодлар қўшиқ кўйлайди. Илқ ёмғир томчилари дов-дарактларнинг шоҳларини силқитиб, атрофга ўзгача фойз-тароват бағишлайди. Қушларнинг чўғур-чўғури, болажонларнинг қийқириги, бинафшаю ялпизларнинг хушбўйлари оламни тутди. Ёнғ асосийси, баҳорнинг илк даракчиси бўлган бодом оппоқ бўлиб қўйлади.

Фасли навбаҳор буюк қадриятларимизни қадрлаб, аънаналаримизни улуғлаб, хайру саховат, эзгулик ва орзу-ниятларни жамлаб қутлуг қадамларида энг ўзал байрамларни ҳам ўзи билан олиб келади.

Бутун дунёда нишонланадиган 8 март Халқаро хотин-қизлар байрами, муқаддас қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам шўхуқ дилларга олам-олам қувонч бағишлайди. Ҳаммаёқда озодалик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб, бутун атроф ушбу хайрли юмушлардан яшнаб кетади.

Сочларига тол баргидан жамалак таққан қизчаларнинг ариқмоқларда гўёки осмонга парвоз қилаётгани кўнғилларга қувонч, ҳар бир ўтаётган осуда кўнларимизга шўқроналиқ туйғуларини уйғотади. Айвон тоқларига яна қалдирғочлар қайтиб келади.

Кечагина қиш чилласидан тинкаси қуриган дарактларга жон қириб яшилликка бурканади. Бутун мавжудот уйғонди. Қалбларимизда эса, эзгуликларга эга бўлиш, барчага меҳр-муҳаббат улаштиш, яхшилик соғиниб яшаш иштиёқи уйғонади.

Хуш келибсан, ўлкамга баҳор! Қадамларинг қутлуг бўлсин, «Соғлом бола йил»да юртимиз бундан-да яшасин, тинчлик-тотувлигимиз абадий бўлсин. Дастурхонимиздан қут-барақа ариқмасин, омиборларимиз донга, ҳаётимиз бахту шодликка тўлсин.

Кўкламой фасли, кўркам баҳор барча-мизга муборак бўлсин!

Бинафшани хидлаб шўқ қиламан,
Баҳорим мен сени жуда севаман.
Ариқ бўйларидagi ялпизларингни
Авайлаб-асраб кўзга сураман.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тошкент Ахборот технологиялари университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан Тошкент шаҳридаги турли қорхоналарда кўплаб ибратли хайрия тadbирлари ўтказиб келинмоқда. Айниқса, фаол талаба-ёшларнинг ташаббуслари ва ҳомийликлариди Меҳрибонлик уйлари ва қариялар уйларида амалга ошириладиган хайрия тadbирлари кўпчиликланиб олқишига сазовор бўлмоқда.

Баҳорнинг илк тadbiri

ТАЛАБАЛАР ЭЗГУ ИШЛАРГА БОШ БЎЛМОҚДА

Шуниси қувончлики, бундай эзгу ишларни ташкил этиш аънамага айлантирилган ва ёшларнинг эзгулик йўлидаги бундай ташаббуслари ҳаммаша университет раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Кўни кеча университет камолотчилари ўз аънаналарини давом эттириб, ўқув даргоҳи автобусига бир дунё совға-саломларни юклашиб Олмазор тумани Қорақамиш 2/1 даҳасида жойлашган уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати томон йўл олишди. Ёшлар томонидан бу галги фахрийлар уйида ташкил этилган тadbир «Эзгу ишда ҳаммаша биргамиз» хайрия лойиҳаси асосида ўтказилди.

ТАТУ «Камолот» ЕИҲ бошланғич ташкилоти аъзолари аввало бу ерга йиғилган қарияларни ўлкамизга кириб келган баҳор фасли билан табриқлашди, уларга баҳорий кайфият, соғлиқ-саломатлик тилашди. Табриқлар баробарида бу ерда истиқомат қиладиган 145 нафар нурунийларга турли совға-саломлар улашилди. Шундан кейин тadbирга тақлиф этилган «Шодлик» доирачилар гуруҳи ва «Сафо» вокал-чолгу ансамбли санъаткорлари иштирокида катта концерт берилди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурашид Йўлдошев, «Нихол» мукофоти совриндорлари Гуласал Абдул-

лаева, Шерзод Бек, Сардор Раҳмонқулов, хонандалар Воҳиджон Исоқов, Жасурбек Мавлоновлар ижросидаги мафтункор қўшиқлар даврани қизитиб, барчанинг қалбига хуш кайфият уйғотди.

— Пансионатимизда тез-тез ҳомийлар кўмағида хайрия концертлари, турли маданий ва маърифий тadbирлар ўтказилиб, эҳсон ошлари бериб турилади. Мана бугун ўз совға-саломларию хушовоз хонандалари билан Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаларининг кириб келиши барчамизнинг қалбимизни қувонтириб, дилларимизга баҳорий кайфият улашди. Бунинг учун университет жамоасига, айниқса, бу учрашувни ташкил этган «Камолот» ЕИҲ фаолларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, — дейди маданий ва маърифий ишлар ташкилотчиси Хадича Зокирова.

— Бундай эзгу тadbирларни университетимизнинг фаол ёшлари ташаббуслари ва кўмағида уч йилдан буён ўтказиб келмоқдамиз, — дейди ТАТУ «Камолот» ЕИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси, хайрия тadbирларида бош-қош бўлиб келаётган Холбек Полвонов. — Аънамага айланган ишларимизни «Соғлом бола йили»да ҳам муносиб равишда давом эттирялмиш.

Адхам ДАМИНОВ

Кўклам неъматлари

ТАНГА ДАРМОН ИСМАЛОҚ

Баҳор ўзига хос нашидали палла. Ҳар бир фаслнинг ўзгача фазилати ва таровати бўлади. Баҳорнинг дилни руҳлантйрувчи жозибаси, киши ҳаёти учун ариқголик саховати бор. Ариқ, жилга, сой бўйлаб сабза урган майса, яланглик ва тепаликларнинг пўрсилдоқ тупроғидан ниш урган бойчечак, чучмома, полақизгалдоқ бўлсин ёки муаттар анбарни завқ кишини ром этувчи бинафша, хушбўй ялпиз — барчаси кишига завқ бағишлаб, уни мафтун этмай қўймайди.

Маълумки, навбаҳор дамларида инсон организми кўпгина ҳаётбахш дармондори ва маъданий унсурларга толиққан бўлади. Шу туфайли ҳама киши бир қатор хасталикларга ва бедармонликка чалиниб қолиши мумкин. Табиатнинг ажойиб хусусиятларидан бири кишининг ҳаёти фаолияти учун керакли биологик фаол омилларни етказиб беришидир.

Бу борада баҳорий кўкатларнинг хосиятлари хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Илк баҳорнинг шифобахш неъматларидан бири бўлмиш исмалоқ ўлкамизнинг қарийб барча ҳудудларида тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда, далаларда, экинлар орасида табиий ҳолда учрайди.

Исмалоқ кишига дармон бағишлаш бобида султонлик қила оладиган, бир

қатор хасталикларга эмлик қиладиган гиёҳлардандир. Ўз даврида ҳақиму ҳозик Абу Али ибн Сино исмалоқ баргидан тайёрланган қайнатмани йўталга қарши балғам қўирувчи, қабзиятдан холи этувчи, сафро ҳайдовчи восита сифатида қўллаган.

Айни баҳорда, киши организми витаминларга чанқоқ бўлган дамларда исмалоқнинг мурғак новда ва баргларида, ялпиз, мачин, жағ-жағ, момоқаймоқ, қўзиқулоқ, қушқароқ ва бошқа кўкатлар воситасида баҳорий таомлар тайёрлашда фойдаланиш киши организмга қувватбахш таъсирини кўрсатади. Кўкатли таомларни истеъмол қилганларнинг иммунобиологик (касаликларга қаршилик кўрсатиш қобилияти) хусусиятларини уйғунлаштиради.

Исмалоқнинг шифобахш хосиятларини белгиладиган нарса, унинг тарки-

бида жам бўлган фойдали моддалардир. Чунинчи, унинг таркибиди салмоқли микдорда С, В₁, РР, К, Е, Н, Д, каротин каби дармондорилар мавжуд. Исмалоқ бошқа гиёҳ ва сабзавотлардан фарқли ўлароқ, ўзида фолат ва пантотенат ачилларини сақлайди. Гиёҳ таркибидида ҳаётбахш омиллардан ҳисобланмиш йод, темир, фосфор, калий, кальций, магний каби маъданли унсурларни сақлайди.

Исмалоқ баргларида тайёрланадиган дамлама камқонлик, томоқ, ўпка ва асаб касалликларига даво ҳисобланади. Исмалоқ қандли диабет ҳамда гипертония дарди билан оғриганларга тавсия этилади.

Ўрни келганида шу нарсани қайд этиб ўтиш лозимки, исмалоқнинг таркибидидаги оксил моддаси соғин сутга қараганда 1,5 баравар, бош қарамадан эса 3 баробар қўлғили билан ажралиб туради.

Азизлар, айни кўклам дамлари шифобахш кўкатлар асосида турфа қўиришдаги таомларни тайёрлаб истеъмол этишнинг қони фойда эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Дано ХЎЖАЕВА,
олий тоифадаги дорйшун

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ўлкамизда аста-секин баҳор нафаси сезилмоқда. Жойларда кўчатлар экиш, дарактларга шакл бериш ва боғ-дала юмушларига тайёргарлик кўрилмақда.

Шаҳримиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам янги техникалар ёрдамида ободонлаштириш, ҳудудни тозалаш, дарактларнинг қуриган шоҳларини қирқиш, тарвақайлаб ўсиб кетганларига чиройли шакл бериш ишлари бошлаб юборилди.

Бундан ташқари жорий йилда эскириб қолган аттракционлар ўрнига янгилари келтирилди. Ҳозирда боғдаги аттракционларни таъмирлаш-мойлаш ва янги мавсум бошланиши олди-дан синовдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Даврон НУРМАТОВ

Мамлакатимизда ёшларнинг билимли, соғлом ва етук инсонлар бўлиб етишиши борасида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос дастуруламал бўлди.

Ёшлар — келажагимиз

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Жумладан, қарорда ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан уларни ҳимоя қилиш борасида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифаларнинг белгилангани аҳамиятлидир.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш борасида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан қатор тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Миробод туманидаги 31-умумтаълим мактабда ўтказилган «Медиа дарслар — таълим сифатини ошириш омили» мавзuidaги амалий семинар ҳам ана шундай тадбирлар жумласига киради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази, Республика таълим маркази ва Тошкент Давлат педагогика университетида бир қатор мутасаддилар, касб-хунар коллежлари ўқитувчилари, дарсликлар муаллифлари, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ходимлари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирилари, методистлар, таянч мактаблари раҳбарлари,

амалиётчи ўқитувчилар ва ёш мутахассислар иштирок этди.

Ушбу семинар «Соғлом бола йили»да таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, дарс машғулотларда медиа воситалари, электрон ресурслари, Интернет маълумотларидан самарали фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлили, келгусидаги вазифаларни белгилаш мақсадида ташкил қилинди.

Анжуманининг биринчи қисмида тажрибали ўқитувчилар томонидан информатика, физика, кимё, биология, география, иқтисодий билим асослари, тарих, она тили, инглиз тили фанларидан медиа дарслар, очик машғулотлари намойиш қилинди.

Жумладан, Тошкент ва Навоий шаҳарларидаги илгор ўқитувчилар билан ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича тўғридан-тўғри интернет орқали боғлиқ видеосеминар ташкил этилди.

Ялпи йиғилишда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан пойтахтдаги умумтаълим мактабларида таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини оши-

риш, яратилаётган электрон ресурслардан фойдаланиш, ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил этилди.

Шу билан бирга мавжуд муаммолар борасида фикр билдирилиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ахборот берилди.

Тадбир сўнггида амалиётчи ўқитувчилар томонидан таълим сифатини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, ДТС ва дарсликларни такомиллаштириш юзасидан таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда шахримиздаги қарийб барча мактаблар замонавий компьютер синфларига эга, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси умумий ўрта таълим ва дарсликлар бўлими бошлиғи Эркин Муродов. — Уларнинг ҳаммаси Ziyonet тармоғига уланган, мактаблар тўлиқ электрон дарслик, мультимедиа воситалари билан таъминланган. 5 мингдан ортиқ ўқитувчилар интернет тармоғида шахсий электрон почта манзилига эга ва ундан мунтазам равишда фойдаланади. Кейинги уч йил давомида Жанубий кореялик мутахассислар томонидан 90 нафар педагоглар учун шахримизда АКТ йўналишида қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

Бундан ташқари сўнги ўн йил давомида 1400 та компьютерлар келтирилиб, 112 та мактаблар қўшимча компьютер синфларига эга бўлди. Бугунги тадбир таълим жараёнидаги ислохотларни изчил давом эттириш ва педагог кадрларнинг касб маҳоратларини янада оширишда муҳим ўрин тутди, албатта.

Гулнигор САТТОВА

2014 йил — Соғлом бола йили

ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БАФИШЛАБ

...Пойтахтимиздаги

101-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг ўқувчилик тўғрисида қизлар билан гавжум. Мураббия ўқувчиларга матодан тўғри, гулли, айлана тўқиш, ранг танлаш, чокда адашмаслик сирларини ўргатмоқда. Стол устидаги болалар тайёрлаган бежирим кийим-кечаклар, турли уй-рўзгор буюмлари кўзни қувватлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий аҳолидан қатъи назар, ҳар бир боланинг ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда имконияти чекланган болаларни ўқитиш ва ижтимоий-маданий реабилитация қилишга доир ишлар кўламини тобора кенгайтиришга ҳар қандай ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дастури ва Кўнгилчилар дастурининг «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгилчилик» қўшма лойиҳаси доирасида имконияти чекланган ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган қатор тадбирлар махсус мактаб-интернатлар ташкил қилинган болаларнинг қалбига тўғри йўл топиш, уларнинг касб, мулоқот кўникмаларини шакллантириш, жамиятга интеграциялашувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

101-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда мазкур қўшма лойиҳа ҳамда «Моҳир хунарманд» ижтимоий лойиҳаси доирасида муассаса тарбияланувчилари учун ташкил этилган ўқув машғулотини ана шу мақсадга хизмат қилади. «Ўз бизнесингни бошла» мавзусида ўтказилган мазкур тадбир давомида турли тўғрақлар раҳбарлари жисмоний имконияти чекланган болаларга бичиш-тикиш, тўқиш, расм чизиш, қовоқдан турли буюмлар ясаш бўйича маҳорат сабоқлари ўтди.

Ушбу муассасада малакали педагог-мураббийлар имконияти чекланган икки юз нафардан зиёд болани ўқитиш ва ижтимоий мослаштириш жараёнида фаол иштирок этаётди. Шу билан бирга, ўндан ортиқ тўғрақда ўқувчилар спорт билан шуғулланиб, хунар сирларини кунт билан ўрганмоқда.

Лола Азизова мазкур мактаб-интернатнинг 7-синфида таҳсил олади. У фанларни пухта ўзлаштириш билан бирга, мактабда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқувчилик хунарини эгаллашга киришган.

— Мактабимизда яратилган имкониятлар ва шароитлар тўлақонли таълим-тарбия олиб, муайян хунарни эгаллашимиз учун кенг қулайлик яратмоқда, — дейди Лола. — Бугунги тадбир ҳам мустақил фаолият юритиш кўникмаларини эгаллашимизда ёрдам беради.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Спорт янгилклари

АНЪАНАВИЙ СУЗИШ ТУРНИРИ

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчи-профессорлари, ҳаваскор спортчилари ўртасида анъанавий сузиш турнири бўлиб ўтди.

Унда университетнинг 100 га яқин ҳаваскор спортчилари сузишнинг турли йўналишларида ғолиблик учун курашдилар.

Хотин-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан

шуғулланишлари имкон яратиш, аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил этилган мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси сўнгги назорат-ўртоқлик учрашувини ўтказди.

ЯНГИ МАВСУМ АРАФАСИДА

Унда пахтакорчилар Россиянинг «Кубань» клубига қарши майдонга тушишди. Шуни эътиборлики, пахтакорчи-лар рақибга муносиб қаршилик қилишга интилишди. «Пахтакор» мураббийлари ўйин давомида имкон қадар

ҳар бир футболчининг жисмоний ҳолатини кўздан кечиришга ҳаракат қилишди. Мурсасиз ва қизқарли кечлар баҳс 1:0 ҳисобида россиялик чарм тўп усталарининг ғалабаси билан якунланди.

ТЕМУР — ВЕЛОПОЙГА ҒОЛИБИ

Навоийда велоспорт бўйича Ўзбекистон чемпионати уюштирилди.

Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан келган спортчилар дастлаб 99 километрлик велопойга мусобақаларида қизгин беллашди.

Унда маррага биринчи бўлиб етиб келган ҳамшаҳримиз Темур Гумеров ғолиб бўлди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Таэквондо ассоциацияси ҳамкорликларида турли вазн тоифаларида уюштирилган мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган 400 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Умумжамоа ҳисобида шохсупа-

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

Шаҳримизда таэквондонинг ATF йўналиши бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

нинг энг юқори погонасини Тошкент шаҳри жамоаси забт этган бўлса, фахрли 2,3-ўринлар Бухоро ва Тош-

ПОЙТАХТЛИКЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентда юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир ташкил этилди.

Тошкент шаҳри ҳамда бошқа вилоятлардан келган спортчилар билан бирга қозғистонлик юнон-рум кураши усталари турнирда 12 та вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Икки юз нафар спортчи иштирокидаги беллашувлар мурсасиз курашларга бой кечди. Қувонарлиси, шохсупанинг энг юқори погоналарини турли вазн тоифаларида пойтахтлик спортчилар забт этишди. Халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаган спортчилардан Сардорбек Саъдуллаев, Кирилл Павленко, Мухаммад Юсуповларнинг хатти-ҳаракатлари мутахассислар мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Шаҳримиздаги 1-Тошкент педагогика коллежида «Ўстозлар изидан...» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбир шоира Зулфия таваллудининг 99 йиллиги ва — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди.

Тадбирни ўтказишдан қўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш, улар қалбида ватанпарварлик руҳини қучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг диний ақидапарастлик, терроризм ва «оммавий маданият» аталмиш маънавий ҳамда ахлоқий тубаник иллатларига қарши маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида «Тенгдош тенгдошга» шиори остида ёшлар орқали ўз тенгдошларига таъсир этишдан иборатдир.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимида 120 та таълим муассасаси бўлиб, уларнинг 79 таси касб-хунар коллежлари, 41 таси академик лицейдир.

Лицей ва коллежларда соғлом оилани шакллантириш, соғлом бола туғилиши ва уларни тарбиялаш муаммолари, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилалар ажримининг олдини олиш, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари бўйича тушунтириш ишларини қучайтириш мақсадида ўқувчи-қизлар ўртасида тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларида фаолият юритаётган «Ораста қизлар» тўғрагида тажрибали мутахассислар томонидан қизларга ҳаёт сирлари ўргатиб келинмоқда.

— Бугунги кунда баркамол авлод тарбиясида ҳамкор ташкилотларнинг ўрни, биргаликда бир болага етти қўшни ота-она, деган шиор остида фаолият олиб бориш ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Замира Азимбаева. — 2013-2014 ўқув йилида ўқувчиларнинг 35702 нафарининг таълим муассасаларини битириши кутилмоқда. Бошқарма томонидан таълим муассасаларда таълим-тарбия жараёни янада такомиллаштириш, ёшлар билан олиб борилаётган ишларни замон талаблари асосида ташкиллаштириш, улар ўртасида соғлом оилани шакллантириш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари бўйича тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Мазкур тадбир ҳам таълим муассасаларида таҳсил олаётган қизларимиз келажагида асқотадиган умиддан.

Давра суҳбатида ташкилотчилар томонидан қизларга давлатимиз томонидан ёшлар камолоти йўлида яратилаётган шарт-шароитлар, ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муҳайё этилган имкониятларга қарамай, айрим ўсмир қизларнинг жиноят қўчаларига кириб қолаётгани ва бунинг сабаблари, олдини олиш бўйича олдимизда турган вазифалар бўйича фикр ва мулоҳазалар юритилди. Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда қизларни қизиқтирган саволларга ички ишлар хизмати ходимлари, элимиз севган санъаткорлар, ардоқли шоир, маҳалла фаоллари ва психологлар ҳаётий тажрибаларини мисол қилган ҳолда жавоб бердилар.

Коллежга кираверишда ўқувчилар томонидан тайёрланган ижодий ишлардан кўргазмалар ташкил этилиб, қизларнинг хунаrlарни нечоғли пухта эгаллаганликларига гувоҳ бўлди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 5-сон стоматология поликлиникаси ўз номини давлат унитар корхонаси этиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. 5-сон стоматология поликлиникасига нисбатан давволар бир ой ичида 234-08-53 телефони орқали кўриб чиқилади.

 ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ	Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 5 мартда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг кўпи ҳаво ўзариб туради, бир оз йиғилиши имконияти бўлмайди. Атмосферанинг ўзгаришлари бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — қилинмоқда, тағкидори 16-18 даража илқ бўлади.
---	---